

50 (1201)-сон 17 декабрь 2014 йил  
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

## МЕҲР БОҚИЙ, МУҲАББАТ БОҚИЙ

3



## ҲАЛОЛЛИК УЗОҚ УМР КЎРИШ ДЕМАҚДИР

4

— дейди 77 ёшли

Маҳматкул бобо КАРИМОВ

## ҲАЗИЛДАН



6

## ТЎЙ — ТОМОША МАЙДОНИ ЭМАС!

8



## ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Илҳом ЖУМАНОВ  
фото-коллажи.

Ҳар иссиқ нонингда Куёш тафти бор!



“Оила ва жамият” газетаси — мустақиллик тенгдоши, 23 йилки, мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида умргузаронлик қилаётган юртдошларимиз кўнглига маънавият ёғдуларини баҳоли қудрат улашиб келаётган оммабон нашрлардан бири.

Муҳтарам юртдошлар!

Оилангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга обуна давом этмокда.



## ҲИКМАТ

Киши ким эканлигини билиш истасанг, кимларни севишига боқ.

Жалолиддин РУМИЙ

## ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Истиқболли авлод" нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги семинар "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш" мавзусига бағишланди.

Семинарда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган зарур шарт-шароит яратилгани, шунингдек, бугун дунё микросида глобал муаммага айланиб улгур-

ган трансмиллий жиноatchилик — одам савдосига қарши юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Эътиборли жиҳати, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссия аъзоси ҳисобланган Ўзбекистон Хотин қизлар кўмитаси ушбу глобал муаммодан жабр кўрган аёлларга ёрдам кўрсатиш, жиноят содир этилишининг олдини олиш борасида ҳам масъул ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Кўмита ва ҳамкорлар томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни одам савдосидан огоҳ этиш бўйича мунтазам равишда тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Семинарда "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини

ошириш, бандлигини таъминлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги маъкеини мустаҳкамлаш бўйича ҳаётга изчил татбиқ этилаётган лойиҳалар хусусида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди. Жумладан, одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларга барҳам бериш, жамоатчиликни ушбу муаммага қарши курашишдаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан яқиндан таништириш, ҳудудий хотин-қизлар кўмиталарининг расмий ҳужжат алмашинуви бўйича тизимли ҳамкорлигини кучайтириш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари юзасидан тавсиялар берилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

**Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА,**  
"Оила ва жамият"  
муҳбири.

## ҚАДР ТОПАЯПМИЗ

Озод ва обод юртимизда нуруний отахон ва онахонларга меҳр-оқибат, саховат кўрсатилаётганидан беҳад миннатдоримиз. Ўзим Гиждувон туманидаги Зарангари ҚФЙга қарашли Абади қишлоғида

яшайман, ёшим 75 да. Қаерга борсам, Оллоҳга шукрки, хурмат-иззат қилишади. Яқинда пойтахтимиздаги "Нуруний" сихатгоҳида даволандим. Энг аввало, ўзимнинг кадрдон газетам орқали мени шу ажойиб масканга қўлимдан етаклаб келиб,

муолажаларга олиб юрган синфдош дўстим Марат Аҳмедовга мингдан минг раҳматлар айтаман

(қўзим ожизлиги бўйича ногиронман)!

Энг қувончлисиз, шу сихатгоҳда менга ўз отасидек меҳрибонлик кўрсатган ўз касбининг фидойиси, даволаш ишлари бўйича директор



ўринбосари, олий тоифали шифокор Гулираъно Маҳмудова, 14 кун давомида кечаю кундуз ҳолимдан

## Миннатдорчилик

хабардор бўлган жонкуяр шифокор Нигорахон Усмонова, ҳамшира қизларим Оминахон, Зарифа, Малоҳат, Дилдора, Дилсора, Муяссар ва бошқаларни чин дилдан дуо қилаяпман. Чунки улар ўзларининг шарафли ва масъулиятли бурчларини сидқидилдан адо этишди.

Биз кексалар куну тун Яратгандан юртимизга, халқимизга тинчлик, осойишталик, омонлик, бағрикенглик тилаймиз. Айниқса, Президентимизнинг кириб келаётган 2015 йилни "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилганликларини эшитиб, чин юракдан севиндим. Ўзининг дуоғўй, хизрсифат нурунийларини кадрлаган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Олим САФАРОВ,**  
Биринчи гуруҳ ногирони.  
Бухоро вилояти.

## Сайлов — 2014

## МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН

Маълумки, жорий йилнинг 21 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

Демократик сайлов тизими мустақил Ўзбекистонда халқ ҳокимиятичилигини, фуқароларнинг давлатни бошқаришда муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. Конституцияимизнинг XXIII-боби "Сайлов тизими" деб аталиб, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоши-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади", дейилган.

2014 йил 5 сентябрдан кунга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлики белгиланган моддалар билан тўлдирилди.

Кодексга киритилган янги нормаларга кўра, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашуш ва уларнинг ишига тўсиқлар юзага келтирувчилар учун жавобгарлик белгиланди. Бундан ташқари, юқорида кел-

тирилган ташкилотларнинг қарорини ижро этмай, мунозабатларини кўриб чиқишни гайриҳуқуқий равишда рад этган, номзод, ишончли вакил, кузатувчи ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, сайловолди референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш ҳолати учун ҳам жазо чоралари кўриб чиқилди. Булардан ташқари кодексга номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлгон маълумотларни тарқатиш, сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш, жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш каби ҳуқуқбузарликларга нисбатан бир қатор жавобгарликлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ушбу қўшимчалар сайловни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

**Жамшид САДИНОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича  
Тошкент вилоят судининг бўлим бошлиғи.

"Соғлом авлод учун" хайрия фондида

## ХАЙРЛИ ИШЛАР САРҲИСОБИ

"Соғлом авлод учун" халқро хайрия фонди бир қатор вазирлик ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида "Ноғиронларни ижтимоий муҳофаза қилишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги масалалари" мавзусида давра суҳбати уюштирди.

— Жорий йилнинг 11 ойи давомида "Соғлом авлод учун" фондининг тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1252 та қишлоқ ва 2696 та маҳаллаларидаги 23419 та оиланинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит ва болалар соғлиги ўрганилди, — дейди "Соғлом авлод учун" халқро хайрия фонди бош мутахассиси Аббосжон Эргашев. — Тиббий кўрик давомида аҳоли ўртасида қарийб уч ярим минг марта турли хил мавзуларда маърузалар ўтказилди.

Ўтган ана шу муддат ичида фондининг жойлардаги ҳудудий филиаллари томонидан 2137 та маданий-маърифий, 1601 та хайрия ва 1092 та спорт йўналишлари бўйича тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан ҳам изчил фаолият олиб боришмоқда.

Тадбирда фонд фаоллари, ташкилотчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўз муҳбиримиз.

ФАОЛИЯТ

## ҚАРИНДОШЛИК РИШТАСИ УЗИЛМАСИН

Ҳаётнинг турфа хил хумбоқлари, сир-синоатлари кўп. Инсон яралибдики, тирикликдан, яшашдан маъно ва мазмун излайди. Аксариятимиш қариндош-уруғлар орасида учраётган ниқозлар кўп холларда ноҳуш оқибатларга олиб келаётганига гувоҳимиз ва айни пайтда кўпчилик бундай ҳатоликлардан ўз вақтида тўғри ҳулосалар чиқараётгани ҳам ҳақиқат. Бироқ, ҳамон эскича қарашлардан воз кечолмаётган ёки оила аталмиш муқаддас кўрғоннинг эртасини ўйламаётган калтабин кишилар ҳам, афсуски, учраб турибди. Бундайларни умид билан ўстирган фарзандлари тақдири эмас, балки ўзларининг орзу-ҳаваслари қизиқтиради, холос.

Яқинда идорамизга бир аёл кириб келди. Унинг кўз қарашларида юракни ўртаб юборувчи бир дард бор эди.

— Мени амакимнинг ўлгига узатишаётганда, онамга: "Ахир биз ака-сини қатери бўлсак, у кишига қандай турмушга чиқаман?", дея норозилик билдирдим. У киши қатъий оҳангда: "Қизим, менга қолса кўнмасдим, лекин отанг укасига розилик берган экан, сўзини икки қилма", деди. На илож, тақдирга тан беришга мажбур бўлдим. Қайнота-қайнонам, турмуш ўртоғимдан заррача ҳам кўнгил хиралик кўрмадим, аммо икки фарзандим ҳам ногирон бўлиб туғилганлиги боис бир умр эзилиб, ўқиб яшадим. Мен йўл қўйган дахшатли хатони бошқалар такрорламасин. Энди турмуш куриш ниятида никоҳдан ўтаётганлар кўзларини очинсин, — деди у.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ муносабатларининг 90 фоиз ҳолатда кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши, нафақат бугунги замонавий тиббиётда, балки, донишманд аждодларимизнинг фалсафий қарашларида ҳам таъкидланган. Маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда бу борада тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз. Яқинда туманимиздаги коллежлардан бирида ўтказилган учрашувда ўқувчи қизлардан бири: "Мени холамнинг ўлгига узатишмоқчи, шу тўғрими, менинг ўзим бунга умуман хохламайман", деди. Биз бу масалада етти йўлда бир кесиб лозимлигини унга ва ота-онасига обдон тушунтирдик.

**Машхура МАЛЛАЕВА,**  
Пастдарғом туман 1-сон  
ФХДЁ бўлими мудир.

## МЕХР БОҚИЙ, МУҲАББАТ БОҚИЙ

Орамиздаги одамлар

Мен унда том маънода замонавий аёл сиймосини кўраман: билимдон ва тадбиркор, журъатли ва ташаббускор, изланувчан ва тезкор. У давр билан қадам-бақадам одимлайди.

2010 йилда фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олган Роҳатой Қорабоева иш фаолиятини 1984 йил мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик "Ўзбекитуризм" миллий компанияси Фаргона вилояти филиалида бўлим бошлиғи, Қирғули туман ҳокимлигида мутахассис, вилоят маънавият ва маърифат марказида бўлим бошлиғи, вилоят "Оила" илмий-амалий маркази директори каби масъулиятли вазифаларда ишлади. 2002 йилдан бошлаб эса вилоят «Худудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери» маркази директори лавозимида меҳнат қилмоқда. Бу ерда олимлар бажарилишига мўлжалланган 2012-2014 йилларга 5 та инновация, 1 та йирик ва иккита ёш олимлар амалий лойиҳалари доирасида давлат буюртмаси мақомига эга бўлган грантлар бўйича иш олиб боришмоқда. Марказ томонидан амалга оширилаётган илмий ишлар, янги ихтиролар ўз иқтисодий самарасини берибгина қолмай, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Роҳатой опани яқиндан билганлар, жуда ишчан аёл, дея таъриф беришади. Бироқ бугунги кун шиддати унинг қалбидаги сокин ҳислар, дилбар хотираларга заррача даҳл қилмаган.

... Оқшом пайти. Мойчирок ёғдусида онаси дўппи тикар, отаси эса ҳазрат Фузулий девонини варақларди. Уларнинг ҳар иккиси дину дунё билмилари ва шеърят бобида бемалол баҳслаша олар эдилар. Бу оиланинг сандал атрофидаги кечки суҳбатлари ҳар сафар мушоирага айлана бектарди. Жомий, Навоий, Бедил,

Огаҳий, Фузулий газаллари форс, араб ва тожик тилларида янграб, таҳлил қилинар, беш фарзанд бу нафис мажлисларни жон-қулоғи билан тинглар эдилар. Назмий беллашув кўпинча оналари томонидан қайсидир нодир байтнинг шарҳ этилиши ва гўёки отанинг мот бўлиши билан якунланарди.

Энди ўйлаб кўрса, кеча-ю кундуз тиниб-тинчиманган ота-онасининг уларга ибрат бўлгулик фазилатлари мўл экан. Фарзандларига ҳалоллик, тўғрисузлик сабоғини, найнки, панднасихатлари, балки ўз амаллари билан сингдирган эканлар. Дадаси Ота-



бек Отақўзиев вилоят ички ишлар бошқармаси ходими, волидаи мухтарамаси Турсунуой опа эса педагог, маҳалланинг хурматли аяси эди. Гарчи улар элнинг олди бўлсалар-да, одмигина уйда камтарона ҳаёт кечиришарди. Бу хонадон қонунларига кўра, ҳаётда биргина тўғри йўл бўлиб, бу илм ва меҳнатдир. Беш фарзанд — Толибжон, Раъно, Равшаной, Рўзимухаммад ва Роҳатой шу йўлдан бориб, кам бўлмадилар. Барчаси олий маълумотли, касб-корли, эл-юрт хизматига камарбаста инсонлар.

Отаси бевақт қазо қилганда Роҳатой опа 8 ёшда бўлган. У мактабда ўқиётган кезларидаёқ ижод билан

жиддий шугулланиб, адабий тўғаракка қатнар, ёзганлари вилоятнинг йирик қаламкашлари эътиборига тушганди. Мактабни аёло баҳоларга битиргач, орзулари қанотида Тошкентга боришни, собиқ ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) нинг журналистика факультетига ўқишга киришни дилига тугди. Бироқ ўша кезлари онаси бетоб бўлиб қолган, ўзлари эса амал-тақал кун кечиришар, пойтахтга бориш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Ахир йўл узок, маблаг эса йўқ...

Қизнинг табиатидаги қатъият худди ўшанда илк маротаба намоён бўлгандир, эҳтимол. Ҳовлида марвариддек товланиб турган узумдан бир саватни узди-да, бозорга йўл олди. Савдо-сотик қилиш тугул, қўлига тузукроқ пул ушлаб кўрмаган киз мева растасининг бир чеккасида, "Ўзум қанчадан?" деб сўраганларга елка қисиб тураверди. Ростдан ҳам, нархини қаердан билсин? Лекин шунда ҳам ноумид бўлмади: оппоқ кийинган бир отахон узумни кўтарасига, унинг кўзлаганидан бир неча баробар қимматга сотиб олди. Қиз қувона-қувона бир даста пул билан шифохонага, аяжониси қошига югурди.

Пойтахтга келиб ётоқхонадан жой олди, имтиҳонларга тайёрланди. Ана шундай тиришқоқлиги туфайли университетга ўқишга кириб, уни аёло баҳоларга тугатди. Бахтини ҳам шу ердан топди. Турмуш ўртоғи Мухторжон Қорабоев университетнинг математика факультетидаги энг қобилиятли талаба бўлиш билан бирга, бадий гуруҳ таркибида тор чалиб, ашула айтарди. Роҳатой ҳам ўзининг ширали овози билан адабий кечалар ва тадбирларга файз берган. Улар жуда

кўп дуэтлар айтишди. Ўртадаги муносабат муҳаббатга айланиб, турмуш қурдилар. Иккиси ҳаётнинг баланда-пастиди бир-бирини суяб, авайлаб ўттиз уч йил бирга умргузаронлик қилишди. Фарзандлар тарбиясини энг муҳим иш деб билдилар, болаларнинг қалбиди санъатга меҳр уруғини қадашди. Мана, унинг мевалари ҳам етилди: Дилфузахон ва Музаффаржон Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг "Кино, телевидение режиссураси" факультетини тамомлаган. Музаффаржон илмий ишнни якунлаш арафасида турибди. Унинг фильмлари телеэкран орқали намойиш этиляпти. Миркомилжон ҳам шу институтнинг 4-босқич талабаси бўлиб, ҳозирги кунда ўз истеъдодини кинода синаб кўрмоқда. Роҳатой опанинг тўрт нафар набираси ҳам санъат дунёси оғушида талотая бўлаёттирлар. Опа уларнинг ютуқларидан қувонар экан, раҳматли турмуш ўртоғини ҳаргиз чуқур эҳтиром, кезиси миннатдорчилик туйғуси билан ёдга олади.

Инсоннинг жамиятга наф келтирдиган шахс бўлиб этишувиди оиланинг ўрни шубҳасиз беқувсидир! Роҳатой опанинг ушбу хулосаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Ишдан хориб борганида набиралари пешвоз чиқишганида, уларни бир-бир бағрига босиб, ўша ҳаётбахш тафт — оила меҳрини туйиб, яна қувватга қиради. Ана шу соф туйғу дунё тургунча туриши, боқийлигига иймон келтиради. Даврлар, уларнинг етовиди балким одамлар ҳам ўзгарар, бироқ меҳр ўзгармайди. У бўғиндан бўғинга, солиҳ инсонлардан солиҳ фарзандларга ўтиб борар экан, хонадону кўчаларни, юртни-да нурафшон этади.

Гулчехра АСРОНОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.  
Фаргона вилояти.

ОНА ТАБИАТ — БУЮК МУСАВВИР  
дейди Республика рассомлик коллежи  
ўқувчиси Ибрат Файзуллаев

Истеъдод

Шарқ миниатюра санъати ўзига хос маҳорат мактабига эга бўлиб, неча минг йиллар оша сайқалланган. Бу йўналишда ижод қилиш мусаввирдан жуда катта истеъдод, меҳнат, тиришқоқлик ва изланишни талаб этади. Ибрат Файзуллаев ёш бўлишига қарамай, бу соҳада бир қатор ютуқларни қўлга киритган иқтидорли ёш мусаввирлардан бири. Унинг яратган асарларида ижодкорнинг ўзига хос услуби ҳамда ёрқин маҳоратини илғаш қийин эмас.


— Ибрат болалигида ўзига хос феъл-атворга эга эди, — дейди онаси Санобар Дўстмуродова. — Уч ёшга-ча ҳам бирор сўз гапирмаса, денг. Тенгдошлари билан бирга ўйнашни мутлақо ёқтирмас, ўйинчоқларга-ку қарамасди ҳам. Кўпинча ҳовлига чиқиб, очик ҳавога қўли билан қандайдир шакллари чизаверарди. Унинг бундай ҳаракатларидан ва "тили чиқмаганидан" хавотирланиб, шифокорга олиб борганмиз. Тиббий кўриқдан сўнг: "Ўғлингизда айтарли ҳеч қандай касаллик аниқланмади, бироқ бу ҳолатлари унинг бошқа болаларга ўхшамаслигини исботляпти. Ҳойнаҳой, келажакда ундан ижодкор чикса керак", дейишди.

Кейинчалик Ибратни бозор ёки дўконларга олиб бор-

ганимда, қозғ билан қалам олиб беришимни сўрай бошлади. Лой ўйнаш ҳам ўғлимнинг севилими машғулотти эди. Ундан турли хил шакллар ясаб, барглр билан безатиб,

кўрғазма ва танловларда фахрли ўринларни қўлга кирита бошлади. Дадаси ва боболари ёғоч ўймакорлиги билан шугулланганлиги туфайли ҳам ўғлимда шундай истеъдод бўлса керак, деб ўйлайман.

2011 йилда Ибрат Республика рассомлик коллежга қабул қилинди. Ҳозирги кунда у "Лок миниатюра" фани ўқитувчиси Зилола Сулаймонова ҳамда Камола



Ўртоқларига мақтанарди. Шундан кейин ўғлимда рассомликка қобилият борлигини сезганмиз. Бешинчи синфни тугатганидан кейин Шахрисабз туманидаги ихтисослашган санъат академик лицейида тахсил ола бошладим. Бу унинг ўзи танлаган соҳа сирларини пухта ўрганишига ва жиддий ижод қилишига замин яратди. Чизган расмлари билан кўплаб

Одилова каби малакали устозлардан сабоқ олапти.

**Зилола Сулаймонова, устози:**

— Миниатюра асариди табиатни, инсону жонзотларни, бир қарашда биз англамайдиган гўзаллиқни тасвирлаб, уни юксак санъат асарига айлантириш учун ижодкор кенг билим ва маҳорат, юксак савия, дид ва қобилият соҳиби бўлиши лозим. Шундагина

унинг асарлари ҳақиқий санъат асари даражасида эътибор топади. Ибрат Файзуллаев ҳозирда коллежимизнинг битирувчиси бўлиш билан бирга, ўзининг меҳнат-севарлиги ва интилуванчилиги орқали тенгдошларига ўрناق бўлаётган ёш мусаввирлардан. Унинг асарларида чуқур мантқийй воқеа ва ранглр уйғунлиги мавжуд. Агар мақсад сари интилувандан толмаса, келажакда бу соҳанинг етуқ вакили бўлиши шубҳасиз.

— Аслида, табиатнинг ўзи — энг буюк мусаввир, — дейди ёш рассом Ибрат Файзуллаев. — Унга қараб, ҳаётнинг энг гўзал қирраларини хис этиш, хордик чиқариш, роҳатланиш мумкин. У сиздан меҳрдан бошқа ҳеч нарса талаб қилмайди. Мен табиатдаги барча сир-асрорини миниатюра санъати билан уйғунлиқда кўраман. Манзарани дастгоҳга туширганимда у жонланаётгандай бўлаверарди. Маълумки, миниатюралар чизиш тарихи тош даврига бориб тақалади. Аввал тошларга, кейин ҳайвон териларига чизиш орқали шакл-

ланиб, ривожланиб борган. XIV-XVII асрларга келиб, бу соҳа юксак даражада камол топган. Айнан шу даврда «Бухоро миниатюра мактаби», «Бобурийлар миниатюра мактаби» сингари ижодий мактаблар вужудга келган. Бадий миниатюранинг китоб ва портрет миниатюраси каби соҳалари кенг тарқалган. Китоб миниатюрасида расмлар рангли тарзда темпера, гуашь, елим, акварель ва бошқа бўёқлар билан қўлда бевосита қўлзма китоблар варақларига ишланган. Нақшлар, сарлавҳа, унвон ва лавҳалар безаклари ўзаро уйғунлиқда тасвирланган бундай миниатюра намуналари қадимдан маълум бўлган. Мен ҳам шу йўналишда ижод қилиш ниятида ўқиб, ўрганяпман. Келажакда улғу мутафаккир Алишер Навоий ҳазратларининг машҳур "Хамса" дастонини суратларга кўчиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Рассомлик санъатининг мураккаб йўналишлари устидида изланишлар олиб бораётган ёш мусаввирга ойдин йўллар тилаймиз.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.

Китоб туманидаги "Қаторбоғ" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қўшчинор қишлоғида умргузаронлик қилаётган бу меҳнаткаш отахонни кўпчилик яхши танийди.

Гап-сўзлари ўқтам, юришлари дадил бўлган Маҳматқул ота билан суҳбатлашсангиз, гурунгу мавзуси кўпроқ асаларичилик, юрт ободлиги, тўқинликка бориб тақалади.

## ҲАЛОЛЛИК УЗОҚ УМР КЎРИШ ДЕМАКДИР

— дейди 77 ёшли Маҳматқул бобо КАРИМОВ

— 20 йилдан ортиқроқ туманимиздаги асаларичилик хўжалигида бўлим бошлиғи, ветврач, зоотехник бўлиб ишлаганман, — дейди отахон. — Асаларичиликка меҳр кўйишимнинг сабаби қизиқ. Хизмат юзасидан турли тоифадаги асалчилар билан мулоқотда бўлардим. Асалари, биласиз, у ҳам Оллоҳнинг энг суюкли жонотларидан бири. Ақли бовар қилмайди кишининг, қарангки, йўқ жойдан мингта гулга кўниб, бир грамм нектар йиғиб келади. Менимча, бу меҳнаткаш ҳашаротнинг меҳнатини ҳар қандай компьютер ҳам ўлчаб беролмас керак.

"Нима деб ўйлайсиз, асал ширин бўлгани билан уни етиштириш ниҳоятда қийин иш-ку?" деб сўраймиз бободан. Маҳматқул ота саволимизга жавоб беришга шошилмайди. Қўлидаги ҳассаси билан уйлари ортидаги майдонга қатор териб кўйилган яшиқларга ишора қилади: "Асалари қишдаям дам олмайди, тинмай ишлайверди, ишонмасангиз, юринг, ўз кўзингиз билан кўрасиз", дея бизни ичкарига бошлади ва шундай изоҳ берди:

— Охириги ҳосилини қишда, ўзларига озуқа сифатида қолдирамиз. Бўлмаса қийналади. Эрта баҳорда — март-апрель ойларида озмоқ шакр ҳам берамиз. Чунки улар бола очиб, тарбиялай бошлайди-да. Кўп озуқа талаб қилади. Қанийди, ўша маҳалдаям асал берилса яхши бўлади, лекин баъзида захира тугаб қолгани учун мажбурмиз.

Бир яшиқда иккита "оила", тахминан 70 мингта асалари бобо. Иккита она шуларга кўзқулоқ бўлиб туради. Эркаги асосан текинхўр ҳисобланади, тухум очиб чиққач, ўз-ўзидан кетиб қолади, болаларини кўпична оналари боқади.

— Яна бир гап эшитдик, асалари одам танлайди, дейишди, шу ростми?

— Одамни танлаши чин. Жуда нозик жонот-да. Ичган, чеккан ёки бирон атир хиди анқиб турган кишини қақайди. Ишонасизми, эшик олдида "литок" деймиз, махсус қорювул туради. Ҳатто ёмон асал олиб келган асаларини ҳам ичкарига киритмайди.

Асал етиштириш жуда оғир меҳнат талаб қилади. Айтишадик-ку, ҳеч бўлмаса, шу митти жониворнинг юздан бир фоиз ишини қилишга қурби етадиган одамгина бу соҳага қўл уради. Фақат фойдани кўзлашганлар хато қилади.

Ўзим нафақада бўлсам-да, яхши ният билан шу касб-



нинг нонини еб келаётган тўрт ўғлимга ҳалиям маслаҳат бериб тураман. Қараб ўтирардим. Тўртовиди 400 "оила" асалари бор. Бир йилда тахминан 6-7 тонна асал етиштирамиз. Шуларнинг ортидан невараларнинг орзу-ҳавасини кўряпмиз, тўйлар қиляпмиз, уйлар қураёпмиз. Қўлимиздан келгунича эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бераёпмиз.

### ИСЛОМЖОН, Ўғли:

— 46 ёшдан. Ўттиз йилдан бери асаларичилик билан шуғулланаман. Бу касбни 16 ёшимда отамдан ўрганганман. Сир-асрори кўп. Лекин кунт қилсангиз, эринмасангиз, муҳими, асаларини алдамасангиз, сизга меҳр кўрсатади, саховатини аямайди. Оддий бир мисолни айтмайми, ҳозир айни қиш фасли, улар дам олишяпти. Лекин ухлаб ётгани йўқ, доимий ҳаракатда. Ҳатто ўзларидан чиққан ахлатни ҳам ташқарига олиб чиқиб ташлашди. Ичкарини кўздан кечирсангиз тоза, озода.

— Маҳматқул бобо, бу соҳанинг сир-асрорларини билиш, эгаллаш осон деб ўйлайсизми?

— Қанийди, шундай бўлганда ҳаммаёқни асалчи босиб кетарди-ку! Оддий бир ҳақиқатни айтмайми сизга, бу "ҳазрати" жониворга қанча меҳр берсангиз саховатини шунча аямайди. Баҳорда тоққа, Ҳазрати Башир, Косагар қишлоқларига, яъни тоғ тарафларга кўчирамиз. Қишда эса асосан ҳовлимиз атрофиди асраймиз. Янток, оқоврак гуллаганда адирларга, пахта гуллаганда пахта пайкаллари атрофига қўямиз.

Асалнинг турлари кўп. "Май асали" деганимиз июнда тайёр бўлади. Унинг таркибиди ош кўки, тоғ райхони, чайир, андиз, шилви, хуллас, тоғда гуллайдиган неки ўсимлик бўлса, ҳаммасидан кераклича асал йиғади. Кузги-сиям яхши. Ҳар хил касал-

лликларга, шамоллашларга фойдаси бор. Ҳеч бир зиёни йўқ.

— Ҳозир ҳар хил асаларичилар ҳам кўпайиб кетди-да, бобо?..

— Фирромлари демокчисиз-да, билмадим, мен шу пайтгача бир қилоям асални бозорга олиб бориб сотмаганман. Нега денг-да, чунки одамларнинг ўзи ким яхши асал етиштиради, ким сохтасини, беш қўлдай яхши билади. Мижозини бир марта алдаш мумкин, лекин иккинчи марта у қайтиб келмайди. Баъзан кўзим тушади, қишлоқларда кўчама-кўча, энг тоза, тоғ асали, дея бақариб юришади. Аста бориб синаб кўрсангиз, ярми шакар, икки кунга бормай, қотиб қолади. Ҳақиқий асалчи маҳсулотини мактамайди, «Марҳамат, бир татиб кўринг, ёқса олинг, ёқмаса биз розимиз», деб кетаверади.

Масалан, бизнинг доимий мижозларимиз бор. Яқинда водийдан келиб, икки бидон асал олиб кетишди. Тошкентдан ҳам танишлар сўрашадилар, жўнатаман.

— Тоза ёки сохта асални қандай фарқлаш мумкин? Бунинг ҳам ўзига хос сирини борми?

— Албатта, бор-да. Асалнинг таъми ва хидига кўпроқ аҳамият бериш керак. Айримлар менга фарқлашнинг ҳар хил усулларини айтишади, уларни сира қўллаб кўрмаганман. Сабаби, исталган асални бир кўришдаёқ қаердан, қайси ўсимликдан олинганини аниқ айтиб бера оламан.

Қўшчинор қишлоғида 120 та хўжалик яшар экан. Бобонинг қувониб эътироф этишича, мустақиллик шарофати туфайли ана шу мўъжазгина гўша ҳам анча обод бўлиб кетибди. Равон йўллар, замонавий услубларда қурилган уйлар, мактаб ва ҚВП бинолари кўзни қувонтиради.

— Бундан узоқ эмас, 30 йилча аввалги даврларни эслайман: мана шу йўллар ёзда чанг-тўзон, кишли қировли

### Буни умр дерлар

кунларда тиззагача лой, бир қишлоқда бўлса икки-учта эски машина бор эди. Ҳозир қаранг, керак бўлса ҳар бир оилада иккита ё учтадан машина бор.

Ота-боболарим орзу-ҳавас билан дунёдан ўтиб кетди. Бобом айтарди, ўша замонларда ҳатто битта тумандан ҳаж зиёратига борганлар бармоқ билан санарли экан. Оллоҳга минг қатла шукрки, 1993 йилда Умра, 2000 йилда эса муборак ҳаж зиёратига бориб келдим, — дейди Маҳматқул ота.

Отаҳон билан асосан асаларичилик хусусида суҳбатлашибмиз, дастурхон устини тўлдириб турган мевачевалар ҳам айнан шу ҳовлида етиштирилганини сезмабмиз. Ҳамроҳларимиздан бири муштдан каттароқ, бўлик лимонни қўлига олиб: "Бу ҳам Маҳматқул бобонинг иссиқхонасида пишган", деб қўйди. Қулимсираб турган отахон бўлса, оббо, сиз боғбонлик сиримизни ҳам очиб қўйдингиз-ку, дегандек, бизларни ўзининг қўлбола иссиқхонасига бошлади. Томорқанинг бир чеккасидаги усти вақтинча плёнка билан ёпилган бир сотихча жой (икки метрча чуқурлик) да 40 дона лимон шигиллаб ҳосилга кириб ётибди. Энг қизғини, тоғли худуд-да, ташқарида 5-6 даража совуқ, ҳеч нарса билан иситилмайдиган ичкарида эса 10-12 даража иссиқ ҳаво. Ана сизга ишбилармонлик.

Маҳматқул бобо билан хайрлашаётимиз, у кишининг ёшига нисбатан дадиллиги урга бериб, узоқ умр кўриш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини сўрадик.

Отахон мийғида қулиб қўйди-да, шундай деди:

— Эҳче, бу ҳаётда қанча синовларни, оғир кунларни кўрдик. Эллик йилдан кўпроқ яшаган умрим бир бўлди-ю, бу ёғи, мустақиллик замони-га келиб қўрган эзгуликлар бир бўлди-да. Менинг оддий, жайдари фалсафам шуки, узоқ умр кўришнинг сирини битта: ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол ризқ-рўз топган инсон кўп яшайди.

Биласизми, бир пайлар бошқа жойларни билмадим, лекин бизнинг худудларда 60-70 ёшга кирганлар жуда кам, бармоқ билан санақли эди. Ҳозир-чи, 80-90 ёш ҳам чўт бўлмай қолди. Ўтган ҳафта телевизорда муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Конституция-миз қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ҳамда кириб келаётган янги, 2015 йилни "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилганларини эшитиб бошим осмонга етди. Менга ўхшаган қария, нурунийларни ардоқлаб, шунча ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётганликларини учун мингдан минг раҳмат деймиз! Ёшларимизга инсоф, диёнат, кексаларга эса узоқ умр тилайман!

Норқобил ЖАЛИЛ.



**ИРҒАЙ** – ирғай ёғочи қаттиқ, пўсти қизғиш бутанинг номи. Ирғай ўсган майдон "ирғайзор" деб аталади.

**Зоминда арча дарахтларидан ташқари, уққат, наъматак, зирк ва бошқа буталар бор.**

Журналдан

**Агар бу қумлар, ирғайзорлар орасида адашилса, умр бўйи юриб ҳам чиқиб кетиб бўлмайди.**

Абдулла Қаҳҳор

**МАРДУМ** – тарихимизда "мардум" сўзи "одам", "одамлар", "кишилар" деган маънони англатган.

Алишер Навоийнинг: **Қаро кўзум келу мардумлиг эмди фан қилгил,**

**Кўзум қаросига мардум киби ватан қилгил** деган байтидаги "мардумлиг" сўзи "одамийлик", "мардум" сўзи эса, "кўз қорачиғи" мазмунини ифодалаб келган.

**Фақат сизнинг тинч-сизланишингиз ва мардумнинг юқори-қуйи сўзи бўлмаса, сизга бошқа зарар бўлур, деб ўйлай олмайман.**

Абдулла Қодирий

**ЗИРОАТ** – тилимизда қишлоқ хўжалик экинлари маъносини англатган "зироат" сўзи "деҳқончилик" деган мазмунини ифодалаган.

**Ахир у ерда одамлар бўлган-ку! Улар зироат қилишган.**

Журналдан

**Ерда қолмас зироат.**

Газетадан

**ИПАК** – аслида пилла толасининг номини англатадиган бу сўз "ип" сўзидан келиб чиққан. Унга кичрайтириш маъносини ифодаловчи «ак» қўшимчаси қўшилиб бу сўз ясалган. Демак «ипак» сўзи "ипча", "нозик ип" маъноларини англатади.

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

## “Неварамга “куч”им етмайди”...

Кейинги пайтларда ўқитувчилар суҳбатига кулоқ тутсангиз, ота-оналар мажлисига кўпроқ бобо-бувилар келаётганини айтишди. Афсуски, бу бобо-бувиларимизнинг неваралари ҳаётига, таълимига қизиқиш билдираётганидан эмас, балки мажбурликдан, яъни ота-она хорижда ёки бошқа турли баҳоналарни рўқач қилиб имкони борича фарзандлари тарбиясидан ўзларини четта олишади.

— Ҳамкасбларим билан фикр алмашиш орқали биланки, мактабда ота-оналар мажлисига қарийб ҳар бир синфдан беш-олти нафар боланинг бобо-буви, амма-холаси келади, — дейди муаллима Санобар Раҳимова. — Йиғилишда эса айнан ўша болаларнинг ҳуқуқи, таълимидаги нуқсонлар ҳақида кўпроқ гапиришга тўғри келади. Бувилар имкон борича бола билан шуғулланаётганини, лекин невараларига “куч”лари етмаётганини таъкидлайдилар. Бошқа ота-оналар эса ҳар сафар синф мажлисида шу болалар ҳақида гапирилаётганидан норози бўладилар. Ваҳоланки, бундай тadbирларда ҳар бир ўқувчидаги ўзгаришлар, синфдаги умумий аҳволдан ота-оналарни хабардор қилиш зарур.

Гап асосан фарзандларини ота-онаси, қариндошларига ташлаб, хорижга кетган оилалар ҳақида кетаётганини аниқлаётганидир. Маълумотларга кўра, бугун айнан шундай оила болалари ўртасида юқорида таъкидланган майда безориликлар кўпроқ содир этилар экан.

— Неварамни тарбиялашга, тўғриси, жуда қийналаётганман, — дейди исми-шарифини айтишдан уялган бувилардан бири. — Унинг қорнини тўқлаб, уст-бошини тоза қиламан, қийналмасин, дея хатто сумкасини ҳам мактабга кўтариб борган кезларим бўлган. Лекин унинг кўлида нукул телефон. «Дарс тайёрла» десам, бир саволлар берадики, унга жавоб топмасам устимдан кулади. Насихатларни эшитгиси ҳам келмайди, жиззаки, асабий бўлиб қолган. Доим хавотир билан яшайман. Шунинг учун

# БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ ЙЎҚ

## ЛОҚАЙД ВА ЭЪТИБОРСИЗ ОТА-ОНАЛАР БОР, ХОЛОС

Тунда интернет клубларда ўтириш, майда безориликлар, таълим муассасаларида тенгдошларининг телефон, пулларини ўғирлаш... Вояга етмаган болалар томонидан содир этилаётган бу каби жиноятлар сонини афсуски, яна давом эттириш мумкин. Биринчи бор кечириси мумкиндай туюладиган бу ҳолатлар кейинчалик “касб”га айланмаслигига эса ҳеч ким қафолат беролмайди. Ҳаётнинг пасту баландини англамайдиган болаларнинг бундай йўл туттишларига эса сабаблар кўп.



яқинда ота-онасини чақиртирдим. Бола издан чиқдим, уни бойлигинг билан изга сололмайсан...

Бувининг қуюниб айтганларида жон бор. Боланинг “из”дан чиқиши назорат, тарбияга эътиборсизлик оқибати. Бунинг натижасида айрим маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида биргина шу йилнинг ўзида 642 нафар вояга етмаган бола профилактик ҳисобга олинди. Уларнинг 147 нафари кизлар эканлиги кишини янада сергак торттиради.

Болалар ўртасида тартиб-бузарликларнинг олдини олиш мақсадида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2014-2015 ўқув йилининг бошланганига кўп вақт бўлмаса-да, таълим муассасалари билан ҳамкорликда “Давомат” ҳамда “Ўқувчи” рейдлари мунтазам ўтказиб

борилмоқда. Бу каби тadbирлар натижасида ҳеч бир сабабсиз ўқув машғулотларига қатнамай юрган 136 нафар ўқувчи (улар орасида умумтаълим мактаби ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ҳам бор) аниқланиб, дарсларига қайтарилди.

## “Мен кўчада, ўртоқларим билан юрибман”

— Мактабда раҳбарлик қилиш кишига жуда катта масъулият юқлайди, — дейди Самарқанд шаҳридаги 51-умумтаълим мактаби директори З.Каримова. — Болаларнинг таълими билан бир қаторда тарбияси, ўзини тутишига ҳам кўпроқ эътибор қаратишга мажбуримиз. Биз, педагоглар, қаерда бўлмайлик, ишқилиб, болаларимиз бирор ноҳўя хатти-ҳаракатга кўл урмасин-да, деган ўйда бўламиз. Шунинг учун кўпин-

ча ишдан қайтаётганда ҳам мактаб атрофидаги интернет клублар, ўйингоҳларга бир кўр разм солиб ўтаман. Аксарият ҳолларда кечки 6-7 ларда уйга қайтаман. Интернет клубларда ўтирган болаларнинг аксарияти ўзимизнинг ўқувчилар бўлиб чиқади. Айниқса, улар орасида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳам борлиги мени ташвишга солади. Уларни уйларига жўнатгач, дарҳол шу ўқувчининг исмини сўраб, дафтаримга қайд қилиб қўяман. Ўқитувчиси билан шу боланинг оилавий шароити ҳақида қизиқиб, ота-онасини мактабга чақиртираман. Аксариятининг жавоби битта бўлади: “Болам уйимиз атрофида ўйнаб юрибди, деб ўйлабман, репетиторга кетаман, деб айтудди”. Интернет клубда ўтирган бола бу ерда бир соатдан кам вақт сарфламайди. Наҳотки, бошланғич синфда ташхил оладиган боласи шу вақт давомида уйи атрофида эмаслигини она билмасми?.. Нега ота-она боласининг мактабдан кейинги вақтини қандай ўтказишдан беҳабар? Мен кундалигига разм солмаётган, ота-оналар мажлисларига деярли қатнашмайдиган ота-оналар ҳақида гапирмай қўя қолай. «Нега мана шу фанлар мактабда яхши ўқитилмапти, мана бу фандан боламнинг дарсларига қатнашсам майлими?», дейдиган ота-оналардан кўра, «фалончи ўқитувчи боламга қаттиқ гапирди, фарзандимга ёмон баҳо қўйишга нима ҳаққи бор», дея даъво қилаётганлар кўпаяётганидан ташвишланаман.

## Жаримага тортилган ота-оналар

— Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида ўқув машғулотларига қатнашмаёт-

Мунозара учун мавзу

ган ўқувчи ёшларни аниқлаш, уларнинг турли диний экстремистик оқим, секта ҳамда жиноий қуруллар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси инспектори Раъно Қиличева. — “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда таълим муассасалари раҳбарларини жалб қилган ҳолда таълим масканларида ҳар ойда икки мартаба сайёр йиғилишлар ўтказилмоқда. Шунингдек, вояга етмаганларнинг кўнгилочар масканларида ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувсиз бўлишини олдини олиш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда кенг жамоатчилик вакилларидан иборат мониторинг гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳ томонидан ўтказилган 919 та рейд натижасида 53 нафар ота-она, 30 та кўнгилочар масканлар маъмурияти жаримага тортилди.

Тунги вақтда кўнгилочар жойларда бўлганлиги учун вояга етмаганлар ва уларни тарбиялаш ҳамда уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини баҳармаганлиги учун 53 нафар ота-онага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 47-моддаси билан маъмурий ишлар қўзғатилиб, улардан 36 нафарига икки миллион 594 минг сўмдан зиёд жарима белгиланди.

Фарзандига нисбатан назоратсизлик, эътиборсизлик қилган ота-оналар бугун жарима билангина чекланиб қолар. Аммо эртага бу эътиборсизлик давом эттирилса, улар ота-оналик ҳуқуқидан махрум бўлиши ва жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин. Лекин мутахассисларнинг таъкидлашича, фарзанднинг ўспиринлик даврига эътиборсиз қарамаслик лозим. Сабabi, ҳаммаси болаларимизнинг: “Мен ўртоқларим билан юрибман!” деган иддаосидан бошланиши ҳеч гап эмас.

Гулрух МҰМИНОВА,  
“Оила ва жамият”  
муҳбири.  
Самарқанд вилояти.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириклар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, кеприк ўстириш ва депиляция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинадада вышивка). Тикувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан турлар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сазавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй 40-хона.

МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

## ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2002 йил Депре Владимир Евгеньевичга берилган В№090795 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан 19.02.2014 йилда Горин Виктор Григорьевич номига берилган №005653-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чирчиқ шаҳри Маънавият кўчаси, 3-уй, 33-хонадонда жойлашган «ISHONCH-BANOLASH SERVIS» МЧЖнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

...Миркамол дарвоза ёнига келиб, сигнал чалганди, одатдагидек, хотини Кибриё эшикни очди.

Машинадан тушиб, ҳаммом томон юрган эрига одатдаги саволни берди:

— Овқат ейсизми?

— Йўқ, корним тўқ.

Ювингани кириб кетаётган Миркамол телефонини ойна олдида қолдирди. Ботир дўсти хабар йўллаши керак. Кутгани бўлди. Кўлида сочиқ билан келган Кибриё телефонга хабар келганини кўрди. Шунчаки назар ташлаганди, “Севаримдан” деган ёзувга кўзи тушди. Аёл шоша-пиша телефонни кўлига олиб, хабарни очиб ўқиди: “Яхши етиб олдингизми, жоним? Сизни дарров соғиндим”...

Кибриёни шу ондаёқ титроқ босди. Телефонни жойига энди қўйганда, ичкаридан эри чиқиб келди. Аёлни тили танглайга ёпишиб қолгандай эди. Бир лаҳзада унинг саккиз йиллик хотиржам хаёти, эрига бўлган ишончи чилпарчин бўлди.

Кибриё ўзини ҳеч кимга кераксиздек хис қилди. Кўз ёшларини эрига кўрсатмаслик учун ошхонага кириб кетди. Ўзини босиб, хаёлларини йиғиб, ётоққа кирганида, эри ухлаб ётарди...

Шу кунгача ёруғ кўнгил билан яшаган аёл тунни тўлғониб ўтказди. Унинг бахтига шерик бўлишга уринган аёл кимлигини ўйларди. «Бу кетишда эримни нартиб олса-чи», деган шум хаёл унга тинчлик бермасди.

Ўша куни тонггача кўзи илинмади, йиглаб чиқди.

Кейинги кунларда ҳам Кибриё бир неча марта эрининг телефонидаги севги ёзишмаларига гувоҳ бўлди. Негадир эри ҳам бу хабарларни ўчириб ташламаётгани уни қизиқтирарди. Унинг наздида Миркамолнинг бу иши ошқора тарзда камситиш, устидан кулиш, хиёнатини ошқор этишга уринишга ўхшарди.

Кибриёнинг феълида эрига тик қараб гапириш, уни сўроққа тутиш, босган қадами ҳақида ҳисобот талаб қилиш хислати йўқ, у шундай тарбия кўрган. Лекин кўнгли жудаям нозик эди. У садоқатни, ишончни ниҳоятда қадрларди. Сўзга ҳам чечан эмас, гўзал ва покиза қалбидан кечаётган хисларни тилига чиқара олмасди.

Кибриёнинг сабр косаси тўла бошлади. Хатто мияси тўхтаб қолгандек туюлди, кенжасининг туғилган кунини ҳам унутайибди. Шу куни эшикдан кириб келган опаси эслатса, ўксиниб йиглаб юборди. Эрининг ҳам бу кунни эсламагани унга алам қилди. Демак, ўша жодугар қиз уни болаларидан ҳам совута бошлабди.

Кибриё опасининг меҳрли нигоҳлари каршисида тутдай тўкилди гўё. Чидолмади. Хўнграб йиглаб юборди. Опаси ҳамма гаплардан хабардор бўлгач, уни сабр қилишга, эри билан очикчасига гап-

лашиб олишга ундади. Кибриё «хўп» деди-ю, аммо бундай қилишга юраги дов бермаслигини шу ондаёқ англаб етди.

— Сингилжон, уйдаги сирни кўчага чиқарма, ҳамма эркак ҳам бир айниб олади, яна аслига қайтади. Сен муносабатингни ўзгартирма, аввалгидан ҳам яхшироқ муомала қилавер-чи, кўрасан, бир куни хатосини ўзи тан олади.

Опасининг бу гапи Кибриёнинг яна дардини ичига ютишга мажбур қилди. Тиш ёриб бировга ҳасрат қиллмади. Кунлар, ҳафталар гумонли ўйлар қуршовида ўтаверди. Аёлни кўнглидаги задалик қаттиқ оғриққа айлаиб бораверди...

Бир куни ярим тундаги “sms” ҳаммасидан ошиб тушди. Эри ҳеч нимани билмай ухлаб ётарди. Кибриё хабарни ўқиди: “Жоним, сизни бу-

нимга битта “sms” келувди, хотинимдан бошим балога қолди, — деди сўрига ёнбошлар олганча уйкуга тўймаган кўзларини юйиб олган Темуру.

— Нима деб ёзишибди? — ҳамма нарсага қизиқувчан Шерзод Темурга яқинроқ суритди, унинг телефонига қўл узатди.

Темуру телефонини чакконлик билан олиб, ортига яширди.

— Ўчириб ташлаганман!

— Яна бошқаларидан келганларини ҳам бор, шекилли-а?

— Ҳа, нима бўпти? Сенларда йўқми? Лекин битта “sms”ни деб туни билан ухламаганим алам қилапти. Хотиним мени шунчалар яхши кўради, деб ўйламаганим. Дунёни бошига кўтар-

— Э, бўлди, бас қилинлар ҳазилни, ҳаётимда ҳеч ким йўқ! — деди Миркамол, аммо: “Хўш, хотиним мени севармикан-йўқмикан”, деган истихолани айтишга уялди.

Собиқ синфдошлар атрофга тун пардасини қуюқ ёйган пайтда тарқалишди. Миркамолга йўли бир тарафга бўлган Ботир ҳамроҳ бўлди.

— Уф, ҳозир уйга киришим билан “тергов” бошланади. Қаерда эдингиз, ким билан эдингиз, деган сўроқлар жонимдан тўйдиради. Нега хотинлар бунақа экан-а? — деди Ботир тарс ёрилай деган бошини қўллари билан қисаркан.

Миркамол эса йўлдан кўзини узмасди. Рулни маҳкам чангаллаб олган қўллари титрарди.

Ботир ундан садо чиқмагач, тинчликми, деган маънода унга қараб қолди.

— Ботир, бир гап айтсам, ўртаимзда қоладими? — деди Миркамол тушкун оҳангда.

— Ҳа, менга ишонмай қўйганми-сан?

— Ишонман. Бу бировга айтадиган гапмас-да.

— Нима гап? Айт, тинчликми ўзи?

— Шу... хотиним мени яхши кўрмайдими шекилли...

— Нега ундай дейсан? Ўзи айтдимми? Ё бирон нарсани сезиб қолдингми? Агар шундай бўлса...

— Йўқ, хотиним тилла, унга юз фоиз ишонман. Саккиз йиллик турмушимиз давомида мендан сўроқсиз бир

иш қилмаган. Унга уй, болачақа, рўзгор бўлса, бас.

— Унда нимага бунақа деб ўйлаяпсан?

Миркамол яна ўйга чўмди. Сўнг бирдан қаттиқ тормоқ бериб, машинани йўл четига тўхтатди. Дўсти томон ўгирилиб, унинг кўзларига илтижо билан боқди:

— Кел, бир синаб кўрсак-чи?

— Қандай қилиб?

— Менга “sms” ёзасан, қиз боланинг номидан. Фақат хотинимнинг раҳини келтирадиган гапларни ёз. Бўптими?

— Ҳазилдан зил чиқмасин яна, хотининг нотўғри тушуниб...

— Унинг менда кўнгли борми-йўқми, шуни билиб олганимдан кейин унга ётиги билан ўзим тушунтираман.

— Келишдик. Лекин охирида менинг бошимни балога тикиб қўймагин.

— Хавотир олма...

Миркамол ўзининг бу иши жонидан ортиқ суйган аёли ва ўзи учун қанчалар қимматга тушганини идрок этди-ю, ўқириб йиглаб юборди.

— Мени кечир, кечир, жоним! — деди шивирлаб...

### Буни ҳаёт дейдилар

## ҲАЗИЛДАН



гун интизор кутдим, нега келмадингиз”...

Кибриё бу тахлит яшаб бўлмаслигини тушунди. Ортиқ бундай хўрлик ва азобларга у дош беролмасди. Хотиржам уйкуда ётган эри илк бор унинг кўзига ёмон кўриниб кетди.

Батамом шайтоний ўйларга алданган аёл аста юриб ошхонага ўтди. Кечагина ўзи дўкандан олиб чиққан, салатга озгина ишлатган сирка шишасини жавондан олди...

Ошхонадан эшитилган чинқирик Миркамолни чўчи-тиб юборди. Дастлаб нималар бўлганини англолмай гапранг турди. Сўнг ошхона томон югурди...

Кибриё нақд етти кун ажал билан олишди. Хайриятки, шфокорларнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдами тўғри омон қолди. Аммо...

— Мени қўйинг, ўша билан яшайверинг. Мен... мен сизни шунчалар яхши кўрадимки... Энди бунинг фойдаси йўқ... — деди Кибриё ўзига келган захоти бошида турган эрига.

Миркамол унга айбдорона боқаркан, бундан бир неча ой аввал чойхонадаги ўтиришни эсчанда...

...Кеча кечкурун телефо-

ворди-я! Агар шу гаплар рост бўлса, ўзини бир бало қилман, дейди...

“Хотиним мени шунчалар яхши кўради, деб ўйламаганим...”

Оғайнисининг айнан мана шу сўзлари Миркамолнинг хаёлидан кетмай қолди. Беихтиёр: “Тўхта-чи, аёлим ҳам мени шунчалар севармикан?” деган ўйга борди. Лекин бу саволга жавоб топишга уриниши билан кўз ўнгидан доим бир тахлит муносабатда бўладиган ёқимтой хотини тураверди. Ўйлаб қараса, саккиз йил яшабдики, бир мартаям уни ҳеч кимдан рашк қилмаган экан. Демак, севмас экан-да, деган икром кўнглидан ўтиши билан вужуди музлаб кетди. Гўёки дўстлари орасида энг гариб кишига айлиниб қолди.

Унинг ўйга чўмиб турганини кўрган дўстлари ҳазил қила кетишди:

— Миркамолнинг ҳам “запаска”си бор, шекилли? Бирданига кайфияти тушиб кетди.

— Ҳа, бу аниқ. Айт, Миркамол, у ким? Биз ҳам билиб қўяйлик, ошна.

— Писмиқлардан кўрқиш керак, бунақалар ими-жимидан иш қилишади.

### Мулоҳаза

## ХОТИРАНГИЗ МУСТАҲКАММИ?

Кейинги пайтда айрим ёшлар даврасида: “Эсимдан чиқиб қолибди”, “Ёдимдан кўтарилибди”, деган гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Хотираси яхшиланишини барча бирдек истайди, аммо бунинг учун нима қилиш кераклигини ҳамма ҳам билвермайди.

Шу ўринда “Нега ёши катта кишиларнинг хотираси айрим ёшларникидан кучлироқ?” деган саволга жавоб изласак, хотира сусайишига сабаб бўладиган омиллар ҳам равшанлашади. Бундан 20-30 йил муқаддам компьютер технологиялари, теле-коммуникацион воситалар бугунги кундагидек ривожланмаган эди. Ўша давр ўқувчилари ва талабалари кўпроқ китоб ўқиб, шеър ва қўшиқларни ёд олишган. Улуғ мутафаккирлар ҳақидаги ноёб қўлёзмаларда ҳам шеър ва ривоятларни ёд олиш хотирани мустаҳкамлашнинг энг яхши воситаси экани қайд этилган.

Ҳозир эса ёшларнинг кўпчилиги бу борада техникага “суяниб” қолишган. Яқинлар ва дўстларнинг телефон рақамлари ҳам, оддий ҳисоб-китоблар ҳам техника хотирасига жойлаштирилмоқда.

Хотирани мустаҳкамлаш учун эса уни ҳамиша чиниқтириб бориш зарур. Манба ва маълумотларни ўқиб, уларни эсда сақлаб қолиш, ёд олинмаганларини қайта эслаш натижасидагина ҳар ким ўз хотирасини такомиллаштириши мумкин. Ёдланган манбаларни такрорлаш эса пухта эслаб қолишнинг энг муҳим омилли ҳисобланади.

Матн маъносига тушунган ҳолда қайта-қайта ўқиш, кейин хотирада сақлаб қолишга уриниш керак. Ҳеч бир мақсадсиз бир матнни такрорлавериш кишини тезда зериктириб қўяди ва шу нарсага бўлган қизиқишимиз сўнади. Мажбурий равишда такрорлаб, ёд олишга уриниш ҳам самара бермайди. Ўзлаштирилган маълумотларни янгилари билан боғлаб бориш мақсадга мувофиқ. Кўпчилик бирор нарсани тунда ёд олса, баъзилар эрталаб эсда сақлаб қолишни маъқул кўришади. Яхшиси, шеър ёки ҳикояни кечкурун ёд олиб, эртаси куни тонгда такрорлаган маъқулроқ.

Билимлар маъносини тўлалигича англаш зарур. Шунда маълумотларни тушуниш анча енгиллашади, кейинчалик эса эсга олишни тезлаштириш мумкин.

Бир маълумот атрофига жамланган фикрларни одамлар тезроқ эсда сақлаб қолишади. Шеър ва қўшиқлар матнини ёдлашда ҳар бир сатрни алоҳида-алоҳида ёд олмаслик керак. Қолаверса, аниқ режа асосида кун тартибини, таниш-билишларнинг телефон рақамларини ёзиб бориш учун ён дафтарча тутишимиз ҳам хотирани мустаҳкамлаш омилларидан биридир.

Ширинхон МҶМИНОВА.




## ДИРИЖЁРЛИК ТАЁҚЧАСИ

Замонавий дирижёрлик таёқчасининг тарихини ўрганиб кўрсангиз, унинг ҳозирги шаклига ўхшагани ҳам, бироқ бошқачароқ кўринишдагилари ҳам кўп бўлган. Энг муҳими, қандай шаклда бўлмасин, бу таёқча ҳаммиса бор бўлган. Ҳар бир маэстронинг жамоавий ижро жараёнида ўзига хос услуби бўлиб, улар ўз оркестрларини турли буюмлар ёрдамида бошқаришган.

Ўтмишда дирижёрлар узоқ вақтлар давомида баланд товушли зарблар орқали оркестрни бошқарган. Яъни, катта, оғир баттут (тўқмоксифат таёқ) билан оҳангга мослаб полни уриб туришган.

XV асрга келиб оркестр ижросининг ривожланиб ва кўп овозлилик жанридаги мураккабликлар ортиб бориши туфайли аниқ, лўнда, ихчам, пухта ва шовқинсиз бошқарувга ҳам эҳтиёж ортиб борди. Дирижёрнинг куйлар ижроси жараёнидаги тақ-туқ қилувчи бошқарув усули эндиликда оркестрда мукамал оҳангдорликка эришиш учун халал бера бошлаганди. Шу боис кўл ишоралари ёрдамида шовқинсиз бошқарув усули пайдо бўлди. Бироқ мусикачиларга дирижёрнинг кўл ҳаракатларини кўзатиб бориш ҳар доим ҳам осон кечавермасди. Ишоралар яхшироқ кўриниши учун усталар энди турли буюмлардан ҳам фойдаланадиган бўлишди. Дирижёрлик асбоби ўрнида улар скрипка камонидан ёки рулон қилиб ўралган бир неча нота қоғозларидан кўпроқ фойдаланишар эди. Айрим маэстролар бир қадар



каттароқ буюмларни маъқул кўришарди. Масалан, композитор Мендельсон чарм қопламали хассасидан фойдаланса, Гектор Берлиоз эса бу борада оддий рандаланган, силлиқланган дарахт шохчасини маъқул кўрарди.

Кўлига кичик, ихчам дирижёрлик таёқчасини олиб, илк бора оркестр олдига чиққан одам таниқли немис скрипкачиси, бастакор ва дирижёр Людвиг Шпор эди, 1820 йилда Англияда берган концертида дирижёр оддий оппоқ қоғозни ингичка қилиб ўраб, найча ясаган. Ушандан бери дирижёрлик таёқчаси энгил ва ёрқин рангда ясалиб келинади.

Замонавий дирижёрлик таёқчасининг узунлиги, вази ва материалнинг аниқ стандарти белгиланмаган. Ягона шарт шуки – мусикачилар қоронғиликда ҳам яхшироқ кўриши учун таёқча ёрқин рангда бўлиши керак.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

## “Бахтли бўлинг” саҳифаси

### ИССИҚ ЖОННИНГ ИСИТМАСИ

Кўп йиллардан бери шу газета менинг яқин сирдошимга айланиб қолган. Деярли ҳар йили обуна бўламан. Шукрки, умр йўлдошим Мақсадоё билан 42 йил бахтли яшадик. Фарзандларимизни ўқитдик, уйли-жойли қилдик. Тўйларида бош бўлиб, жондан азиз набираларимизнинг бувию буваси бўлдик. Минг афсуски, икки йил аввал оғир дардга чалиниб қолган аёлим дунёдан ўтганидан бери ҳеч қаерга сиймайман. Нолимайман, уй-жойим, ош-ноним етарли. Болаларим ёлғизлатиб қўйишмайди. Лекин...

Нимасини айтасиз, ёш бир жойга борганида кўнгил нозиклашиб қоларкан. Сени тушунадиган, иссиқ-совуғингда ёнингда ҳамдам бўлгучига муҳтожлик сезаркансан. Саломатлигимдан кўп шикоят қилмасам-да, баъзида ўз-ўзидан безовталаниб, ваҳимага тушаман. Фарзандлар ҳам ўз йўлига, иссиқ жоннинг иситмаси бор, деганларидек, бир савобталаб инсон бўлса дардимга малҳам бўлармиди. **Ёшим 68 да.** Ўғил-қизларим ҳам рози. Хонадонимиз яна аввалгидек файзли, нурли бўлишини истаганим учун сизларга мурожаат қилаяпман. Зора, сеvimли газетамиз кўмаги билан ярим кўнглим тўлса.

АБДУГАФФОР ота,  
Самарқанд вилояти.

### ФАРЗАНДЛАРИМ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАЯПМАН

— Ишонинг, синглим, тахририятга минг хил ўй-иштиробда келдим, — дея гап бошлади хонамизга кириб келган аёл. — Ўзим асли сирдарёликман. Олий маълумотли ўқитувчиман. Турмуш ўртоғим ичкиликка берилиб, ҳатто уйимиздаги кийим-кечак, нарсас-буюмларни ҳам пуллай бошлади. Уни бу йўлдан қайтаришга қанча ҳаракат қилдим. Фойдаси бўлмади. Ниҳоят, ажрашишга мажбур бўлдим. Ота уйимга икки фарзандим билан қайтиб келиш менга ҳам осон кечгани йўқ. Келинбойларимнинг қош-қовоғига қараб яшаб азобини-ку айтмасам ҳам тушунасиз. Барибир тугилиб ўсган гўшамда кўп вақт қололмаслигимни тушуниб, пойтахтга кўчиб келиб, ижарада яшай бошладим. Мактабга ўқитувчи бўлиб ишга кирдим, кечалари тикувчилик ҳам қилдим. Беш йилдирки, рўзгор ташвишини ўйлаб, тинимсиз меҳнат қиламан. Бу ёқда фарзандларим ҳам катта бўлиб қолишди. Бундай шароитда яшашим бир кун келиб, уларнинг бахтига тўғаноқ бўлмасайди, деб кўркаман. **Ёшим 41 да.** Шуларни ҳисобга олиб, инсофли, уйли-жойли, оқибатли бир инсонга турмушга чиқишим керак, деган қарорга келдим. Фарзандларимга оталик қилса, мен ҳам бор меҳрим ва меҳнатимни аямаган бўлардим.

СУРАЙЁ,  
Тошкент шаҳри.

### ДАДАМ БАҒРИМИЗГА ҚАЙТДИ

Оилада уч нафар қизимиз. Мен тўнғичиман. Дадам хорижга ишлагани кетиб, уч йил деганда қайтиб келди. Унинг илгариги меҳрибонлиги, ширин сўзлигидан асар ҳам йўқ, қаҳри қаттиқ, бемехр бўлиб қолган, маишатга берилиб кетганди. Ҳар куни ичиб келиб, онам билан жанжаллашар, улар ўртасидаги келишмовчиликдан юрагимиз зада бўлганди. Охир-оқибат онамнинг асаблари чарчаб, тез-тез касалланидиган бўлиб қолди. Дадам шуни баҳона қилиб, ажралиш тараддудини бошлаб юборди. Ҳаттоки, “Газета орқали соғлом аёлга уйланаман, деб эълон бераман”, дея онамга дағдага қилди. Билсак, бундан уй ой илгарий газетанинг “Бахтли бўлинг” рўқнига мурожаат қилган экан. Ушбу бўлимдаги ходимларнинг тўғри маслаҳатлари ва сазой-ҳаракатлари туфайли дадам бошқа аёлга уйланиш фикридан қайтиб, онам билан ярашди. Ота-онамиз ўртасидаги бу илқ муносабатни кўриб, бошимиз осмонга етди. Пароканда бўлиш ёқасида турган оиламизни асраб қолишда ёрдам бергани учун тахририят ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онасининг бағрида ҳаёт кечиришини тилаймиз.

ЧАРОС,  
Андижон вилояти.

### ЎЗИМДЕК БАХТЛИ БЎЛСИН...

Ирода билан талабалик йилларимизда танишганмиз. Иккимиз бир ётоқхонада турардик. Фейл-атворимиз ҳам ўхшаш бўлгани учунми, ҳеч ажралгимиз келмасди. Давлат имтиҳонларини топширганимиздан сўнг менинг тўйим бўлди. Дугонам эса нуфузли бир ташкилотда ишлаб бошлади. Биз кейинчалик ҳам кўнгираклашиб турдик. Аммо, вақт ўтиб, бир фарзандим икки бўлгач, ўзимдан ортмай, Ироданинг кўнгиракларига жавоб беролмай қолдим. Ўйлаб қарасам, у билан гаплашмаганимга яқинда саккиз йил бўлибди. Уни шу пайтгача бир оиланинг бекасига айланган, шириндан-шакар фарзандлари бўлса керак, деб юрардим. Яқинда суриштириб, унинг телефон рақамини топдим. Узоқ суҳбатлашдик. Эшитишимча, у ҳалиям турмушга чиқмабди. Ирода менга жуда ҳавас қилишини айтди. “Ҳадемай, сени ҳам ўзимдек бахтли қиламан”, деган гапимни ҳазилга йўйди. Аммо чиндан унинг орзусидаги инсон тезроқ учрашини истаيمان. Ирода **32 ёшда**, оқила, кўли гул пазанда, сариштали киз. Касби, уй-жойи тайин йигитлар бўлса овоз берсин.

САИДА,  
Наманган вилояти.

### ОРИЯТ УСТУНЛИК ҚИЛДИ

— Алло, “Бахтли бўлинг” саҳифасига мурожаат қилмоқчи эдим.

— **Лаббай, сизни эшитамиз.**

— Мен Тошкент вилоятидан Одина опангиз бўламан. Жияним Бахтиёр ҳақида маълумот бермоқчи эдим. Зора, тенги чиқиб, ҳаёти изга тушиб кетса.

— **Ўзи мурожаат этса бўлмайдими?..**

— Нима десам экан, ориятли йигит бўлгани учунми, негадир рози бўлмади. Неча марта айтдим, бирга юргин, деб, кўнмади.

— **Жиянингиз аввал уйланганми ёки?..**

— Ҳа, бир марта уйланиб ажрашган. **Ёши 36 да.** Аёли билан етти йил бирга яшади. Аввалига тинч-тотув яшашгани учун ҳамманинг ҳаваси келарди. Икки фарзанди улғайиб, мактабга қатнай бошлагач, келинимиз бир қафегга ишга кириб олди. Бахтиёр ҳам, майли, иш билан овунсин, деб қаршилик қилмади. Орадан бир йил ўтгач, келинимизнинг юриштириши ўзгарди. На қайнона-қайнотанинг, на эрининг гапига қулоқ солди. Болаларини ўйлаб, бу можарони тинч йўл билан ҳал қилишга интилдик. Орадан кўп вақт ўтмасдан, маҳаллада келинимиз ҳақида турли хил гап-сўзлар тарқала бошлади. Жияним дастлаб ишонмади, бироқ бир куни... Хуллас, бундай шарм-ҳаёсиз аёл билан яшашни ор деб билган Бахтиёр ажрашишга қарор қилди...

Имкони борича, Тошкент шаҳри ёки вилоятида яшовчи, 30 ёшгача бўлган, турмушга чиқмаган, уйим-жойим дейдиган, энг муҳими, эрининг ҳурматини жойига қўя оладиган келинимиз бўлишини жуда истаймиз.

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла фуқаролар йиғинидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:  
(8-371)234-25-46

# ТҮЙ – ТОМОША МАЙДОНИ ЭМАС!

Ўзбекининг тўйлари-ю урф-одатлари, анъаналари ҳам бири-бирдан қизиқ. Ёру дўстлар даврада тўпланиб, оиладек муқаддас кўргонга қадам кўяётган ёшларга оқ фотиҳа бериб, бахт-икбол тилайди. Эндигина мустақил ҳаёт остонасидан ҳатлаётган келин-куёв бир кун ичида рўй берган унутилмас воқеалар, гаройиб томошаларни умрбод эсларидан чиқаришмайди. Чунки...

...Самарқандда бир танишимиз ўзининг каттакан ҳовлисида дабдабали тўй берди. Маросимда номдор хонандалардан тортиб, кўпчилик танийдиган инсонлар ҳам қатнашишди. Оёқ кўйгани деярли жой йўқ. Қишлоқнинг ёшу қариси, хуллас, айтилган ҳам, айтилмаган ҳам келди ҳисоб. Нега десангиз, тўйхона-ресторанларга чакирилган меҳмонлар келади. Тўкин дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ, барча нозу неъматлар бисёр. Шарбату сувларни-ку кўяверинг, минг хил тури бор ўзиям. Ҳатто аёллар ўтирган столларга ҳам бир неча турдаги спиртли ичимликлар тортилган. Бу ажиб манзарани кўриб, аттанг, бу аҳволда узоқ тай-ёргарлик кўрилган тўй ҳам тинчгина ўтмас экан-да, деган шубҳали ўй ҳалимдан кечгани рост.

Базму жамшид авжига чиқди. Келишиб олингандек, овоз кучайтиригилар шу даражада устамонлик билан жойлаштирилган, ҳеч ким ҳатто ёнидаги одам билан ҳам сўзлаша олмайди. Фақат имо-ишора билан гаплашиш мумкин (бу балки устамон мусиқачиларнинг пул топиш учун ўйлаб топган усулидир, ичмаган, гап-

лашиб ўтирган киши даврага чиқмайди-да). Эл танийдиган туппа-тузуқ хонанда ҳам ўзининг тўйбоп, ўйноқи кўшиқларини бошлаб юборди.

Хотин-халаж, бола-чақа, қиз жувонларнинг даврани тўлдириб ўйнаётганини сўз билан тасвирлаб бериш мушкул. Турли-туман ичимликлар таъсиридан карахт бўлганларнинг шовқин-сурони тинмайди. Давра ўртасида эса ўзининг бачкана қилиқлари билан аксарият ширакайф эр-



какларни "мафтун этиб", бор-йўғини шилиб олаётган раққоса қиздан кўзлар узилмайди.

Кузатиб турибман. Бир маҳал аввалига хижолат тортиб турган аёллар ҳам шисшаларни бўшата бошлашди... Ана томоша-ю, мана томоша. Ёқасини ушлайди одам. Энг қизиги, киприк қоқмай ароқ ичаётганлар имкони борича эркаклардан қолишмасликка уринишар, сал "қизиб" олганлари эса ўзларича бакириб-чакириб гаплашар, айримлари қўллари билан бекитиб папирос ҳам тутатишарди.

Бу ҳали ҳолва экан. Бир маҳал келин-куёвлар ўтирган сахна ёнида бир нарса қарсиллаб кетди. Кимдир шампан виносини очдимиз ё пақиллоқ отдимиз, билмай қолдик. Кейин тўс-тўполон бошланди. Иккига (куёв тарафдагилар билан келин томондан келганлар) бўлинган маст-аласт йигитлар муштлашиб кетишди. У тараф-

## Ойна

да эса ичкилик таъсиридан ўзини бошқаролмай қолган икки аёл бир-бирининг сочини юлиб уришарди. Атрофни бирданги муросага келтирувчилар эмас, аксинча, томошалаблар ўраб олди...

Ҳайрат ичра секин ташқарига чиқдим-да, маҳалла фаолларидан бўлмиш кайвони аёлдан нега хотин-қизлар ўтирган столларга спиртли ичимликлар кўйилганини сўрадим. У киши бўлса қўл силтаганча, "Нимасини айтасиз, тўй қилаётганларни оғохлантириб, неча марта тайинлаймиз, илтимос, шу тантана тинчгина ўтсин десангиз, ичимлик кўйманг, шу савил қолгурнинг пулига келин-куёв учун эсда қоларни совға улашинглар" десак-да, кулоқ солишмайди. Ўз билганидан қолишмаяпти. «Ният қилганман, ҳеч кимдан кам жойим йўқ, пул меники, қандай ўтказишни ўзим биламан», деб ўзбошимчалик қилишяпти», дея ёзгириб кетди.

Тан олиш керак, кейинги йилларда республикамизнинг аксарият ҳудудларида кенг жамоатчилик, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари, оқсоқоллар бамаслаҳат, келишган ҳолда тўй-томоша, маросимларни кўнгилдагидек ўтказишга кўпчиликни қувонтирмади. Бироқ гуруч курмасиз бўлмаганидек, айрим калтафаҳм, узокни кўра олмайдиган, ўзбошимча кишиларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари оқибатида юқоридаги каби кўнгилсиз воқеалар содир бўлаётгани ачинарлидир. Энг ёмони, бу каби нохуш ҳолатларни табиий деб қабул қилинаётгани мени жиддий ўйлантириб қўйди.

...Вақт алламаҳал бўлди. Тўй охирида қолди. Келин-куёв ҳам дўст-дўгоналари куршовида ёр-ёрлар садоси остида кузатиб қўйилди. Бир зумда тантана ўтган каттакан ҳовли улоқ чопилган майдонга ўхшаб қолди. Бакир-чақир, шовқин-сурон аста тинди. Хонадон соҳиблари хотирасида бу маросимдан нималар эсдалик бўлиб қолди экан-а?!

Одина ҚУЛМУРОВА,  
журналист.



## СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

### ҚУРҶА ТАШЛАНДИ

15 декабрь куни Швейцариянинг Ньон шаҳрида Европа чемпионлар лигаси 1/8 финалига қурҶа ташлаш маросими бўлиб ўтди.



1/8 финал биринчи учрашувлари 17-18 ва 25-26 февралда, жавоб учрашувлари эса 10-11 ва 17-18 мартда ташкил этилади.

«Базель» – «Порту»  
«Арсенал» – «Монако»  
«Шахтёр» – «Бавария»  
«Шальке 04» – «Реал» Мадрид  
«Ювентус» – «Боруссия»  
Дортмунд  
«Байер» – «Атлетико»  
«Манчестер Сити» – «Барселона»  
ПСЖ – «Челси»

### ЭЪЛОН!

Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти (ҳозирги ЎзДЖТУ) томонидан 1986 йил Раҳматов Акбар Нематовичга берилган Г-II №344088 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

### ТАБРИКЛАЙМИЗ! Азиз жияним Севинчи!

Сени туғилган кунинг билан табриклайман. Умринг узоқ, келажинг порлоқ бўлсин. Отананг ва биз қариндошларинг бахтига соғ-омон бўлгин.



Тоғанг Жасурбек ҚОДИРОВ

## ВАСИЯТНОМА ШАРТЛАРИ

Бобом кексалиги ва касаллиги сабабли васиятномани имзолай олмайдим. Унинг ўрнига невараси сифатида мен васиятномага имзо қўйишим мумкинми?

Б. Маҳмудов.

### Савол-жавоб

— Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани имзолай олмас, унинг илтимосига кўра, васиятнома қонун талабига жавоб берадиган бошқа шахс томонидан ҳам имзоланиши мумкин. Бунинг учун васият қилувчининг васиятномани имзолай олмаслиги сабаблари кўрсатилган бўлиши лозим.

Фуқаролик кодексининг 1125-моддасига асосан, қуйидаги шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномага имзо қўйиши мумкин эмас:

- нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;
- васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс ва унинг оила аъзолари, қонун бўйича меросхўрлар;
- тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;
- саводсизлиги сабабли васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;
- ёлгон гувоҳлик берганлиги учун муқаддам судланган шахслар.

Саволга Каттақўрғон шаҳар 3-сон ДНИ нотариуси Жамшид ХОЛИҚОВ жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



### Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА  
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темури кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

## «UMID VA ISHONCH»

### ТИББИЁТ МАРКАЗИ

қуйидаги хизмат турларини таклиф қилади:

- Эндокринолог.
- Терапевт. ЭКГ.
- Невропатолог. ЭХО-ЭС.
- Гинеколог
- Уролог.
- Клиник-биокимё лабораторияси.
- Ультратовуш ташхиси (УЗД) Medison X 6 аппаратида доплерография.
- Физיותרрапия.
- Муолажа хонаси.

РЕКЛАМА

### МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

8 (371) 245-07-42, 245-07-72,  
245-07-79, 227-47-80.

Манзил: Тошкент шаҳри. Бешёғоч даҳаси. 1-уй  
Мўлжал: «Истиқдол» санъат саройи яқинида.  
E-mail: umid\_va\_ishonch@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Лицензия № 1255-00

Берилган сана: 26.03.2012 йил

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Бюролма Г  
– 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади –  
5602. Баҳоси келишилган нархда.

### ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

12 45